

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАХМЕДОВА МУНИСА ХАКИМДЖАНОВНА

ТАБИИЙ ТОЛАЛИ (ПАХТА, ИПАК) МАТОЛАРНИ БЎЯШ ВА
ЯКУНЛОВЧИ ПАРДОЗ БЕРИШНИНГ БИРЛАШТИРИЛГАН
ФОРМАЛЬДЕГИДСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Мирзахмедова Муниса Хакимджановна

Табиий толали (пахта, ипак) матоларни бўяш ва якунловчи пардоз беришнинг бирлаштирилган формальдегидсиз технологиясини яратиш.....3

Мирзахмедова Муниса Хакимджановна

Разработка бесформальдегидной технологии совмещения процессов крашения и заключительной отделки тканей из природных волокон (хлопок, шелк).....29

Mirzakhmedova Munisa

Development of non-formaldehyde technology for combining dyeing processes and final finishing of fabrics from natural fibers (cotton, silk)..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАХМЕДОВА МУНИСА ХАКИМДЖАНОВНА

ТАБИИЙ ТОЛАЛИ (ПАХТА, ИПАК) МАТОЛАРНИ БЎЯШ ВА
ЯКУНЛОВЧИ ПАРДОЗ БЕРИШНИНГ БИРЛАШТИРИЛГАН
ФОРМАЛЬДЕГИДСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/T189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдукаримова Мавжуда**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Алимова Ҳалима Алимовна**
техника фанлари доктори, профессор

Примкулов Махмуд Темирович
техника фанлари доктори, профессор

Валиев Гулам Набиджанович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил 12.08 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон-5, тел: (+99871) - 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17. e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№81 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон -5, тел:(+99871) - 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил “03” 08 кун тарқатилди.
(2020 йил “03” 08 даги 81 рақамли реестр баённомаси).



Б.О.Онорбоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.Э.Гуламов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш.Ш.Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий толали тўқимачилик матолари экологик тоза хомашёлардан ишлаб чиқарилиши натижасида уларнинг қимматбаҳо хусусиятларига, инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга таъсир этмайдиган пардозлашнинг янги технологик жараёнларини ишлаб чиқишни талаб этади. Табиий ипак ва пахта толали матолар асосидаги маҳсулотларни бўйшда юқори сорбцион хусусиятига эга бўлмаган фаол бўёвчи моддаларни қўлланилиши бўйш технологиясини такомиллаштиришни, яъни бўёвчи моддадан самарали фойдаланиш, ювиш жараёнларида сувни тежаш, буғ, электр энергия ва бошқа ресурслар сарфини камайтиришни тақозо этади.

Дунёда толали матоларни пардозлашга тайёрлаш, бўйш, гул босиш ва якунловчи пардоз беришда янги замонавий техника ва технологияларни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Табиий толали матолар ўзининг юқори гигиеник хоссалари, ўзига хос жилоси, майинлиги билан бир вақтда киришувчан ва ғижимланувчан хусусиятга эга. Матоларни эластик хоссаларини ошириш мақсадида терморреактив смолаларнинг предконденсатлари, шу жумладан диметилолмочевина, диметилолдиоксиэтиленмочевина, эпоксид бирикмалар, полидиметилсилоксанлар, диметилолэтиленмочевина, кўпфункционал полиизоцианат, поликарбон кислоталар ва бошқалар қўлланилади. Бу моддаларнинг асосий камчиликлари ишлов бериш жараёнида ундан захарли модда - формальдегидни ажралиб чиқиши, ҳамда мато мустаҳкамлиги 20-40 %-га камайишидир¹. Бу камчиликларни бартараф этиш борасида олимлар томонидан якуний пардоз беришнинг кам- ва формальдегидсиз технологияларни яратиш устида қатор ишлар олиб борилмоқда, лекин бу муаммо охиригача ҳал этилмаган.

Республикамизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, толали матоларни кимёвий пардозлаш жараёнларини такомиллаштириш ва уларни жадаллаштириш, ўз навбатида замон талабига жавоб бера оладиган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ..иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан табиий толали (пахта, ипак) матоларни бўйш ва якунловчи пардоз беришнинг бирлаштирилган формальдегидсиз янги технологияларини ишлаб чиқиш, атроф муҳитни ифлослантириш даражасини ва ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг сарфини камайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Кричевский Г.Е. Химическая технология текстильных материалов. Заключительная отделка. Учебник. - М.: Легпромбытиздат, 2001.- Т. 3.- 298 с.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 февралдаги ПФ-5285-сон Фармони ва “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тўқимачилик саноати техника ва технологиясини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли илмий изланишларга, янги формальдегидсиз бирлаштирилган технологияларни яратиш ва уларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: School of Materials Science and Engineering, Beihang University (Хитой), Korea Institute of Industrial Technology (Жанубий Корея), А.И.Косыгин номидаги Россия давлат университети (Технология. Дизайн. Санъат), Иваново кимё технология давлат университети, Санкт-Петербург саноат технологиялари ва дизайн давлат университети (Россия), Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунёда табиий толали тўқимачилик матоларига яқунловчи пардоз беришнинг экологик муаммоларини ечишда, формальдегид сақловчи предконденсатлар ўрнига кам- ва формальдегидсиз препаратларни қўллаш бўйича кенг қўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда (Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия), шунингдек пардозлашнинг технологик жараёнларини бирлаштириш имкониятлари ўрганилмоқда.

Пардозлаш жараёнлари технологияларини бирлаштириш натижасида электр энергия сарфи ва оқова сувларнинг ҳосил бўлишининг камайишига, иш кучи, ишлаб чиқариш майдонининг қисқаришига эришилади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда олимлар томонидан матоларга камкиришувчанлик ва камғижимланувчанлик хоссалари беришнинг янги технологиялари таклиф этилмоқда. Тўқимачилик матоларига яқунловчи пардоз беришда, ҳамда турли синф бўёвчи моддалари билан бўяш, кам- ёки формальдегидсиз препаратлар асосида яқунловчи пардоз бериш жараёнларини бирлаштириш имкониятлари Б.Н. Мельников, И.Я. Калонтаров, Ш.В. Пичхадзе, Г.Е. Кричевский, В.В. Сафонов,

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот шарҳи Мирзахмедова М.Х., Абдукаримова М.З. О состоянии бесформальдегидной заключительной отделки х/б тканей // Проблемы текстиля. – 2019. -№2. – С. 53-59; [www.https://http.ivgpu.com](http://www.ivgpu.com); [www.https://elibrary.ru](http://www.elibrary.ru); [www.https://ima.uz](http://www.ima.uz) ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

А.М. Киселев, А.П. Морыганов, И.Б. Блиничева, Т.Д. Балашова, С.Ф. Садова, О.В. Козлов, А.В. Чешкова, М. Tzukado, Н. Jshikawo, С. Yang, Н. Wang, E. Gnovir, С. Welch, В. Adrews, S. Rossi олимлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлари томонидан тўқимачилик матоларига турли махсус пардоз бериш, шунингдек янги турдаги мато ассортиментларини ишлаб чиқариш йўналишларида Ҳ.А. Алимова, М.З. Абдукаримова, Д.Б. Худайбердиева, И.А. Набиева, М.М. Муқимов, А.Э. Гуламов ва бошқа олимлар ўз изланишларида илмий тадқиқот олиб бормоқдалар.

Пахта ва табиий ипак толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан бўяш ва уларга маҳаллий К-4 препарати асосида якуний пардоз бериш жараёнларини бирлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш диссертация иши доирасида илк мартаба амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-15: «Табиий толали (пахта, ипак) матоларини бўяш ва якуновчи пардоз беришнинг бирлаштирилган формальдегидсиз технологиясини яратиш» (2015-2018 йй.) ва ИЗ-20170926312 «Пахта толаси асосидаги тўқимачилик материалларини самарали бўяш ва формальдегиди бўлмаган аппрет билан якуновчи пардозлаш технологияларини ўзлаштириш ва тадбиқ этиш» (2018-2019 йй.) мавзулари лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий толали (пахта, ипак) матоларни бўяш ва якуновчи пардоз беришнинг бирлаштирилган формальдегидсиз технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий толали матоларга якуновчи пардоз беришда маҳаллий хомашёларни қўллаш имкониятларини ўрганиш ва якуновчи пардоз беришнинг янги технологиясини яратиш;

толали матоларни бўяш ва якуновчи пардоз бериш жараёнларини бирлаштириш имкониятларини ўрганиш;

табиий толали матоларни фаол бўёвчи моддалар бўяш эритмаси ва К-4 препарати асосидаги якуновчи пардоз бериш аппретининг таркиб компонентларининг толали субстрактлар билан ўзаро боғланиш механизмини ИҚ- спектрал, дифференциаль термик, рентгенструктуравий ва бошқа таҳлил усуллари асосида таҳлил қилиш;

табиий толали матоларни бўяш ва якуновчи пардоз бериш жараёнларини бирлаштиришда, кимёвий моддаларнинг концентрацияси, ҳарорат ва бошқа кўрсаткичларни мато ва пардоз сифатига таъсирини ўрганиш;

бирлаштирилган бўяш ва якуновчи пардоз бериш жараёнини турли интенсификаторларни таъсир этиб жадаллаштириш;

табиий толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан узлукли, узлуксиз усулларда бўяшнинг ва бирлаштирилган бўяш, ҳамда якуний пардоз беришнинг жадаллаштирилган технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ипак ва пахта толали тўқимачилик матолари, «Навоийазот» АЖ да ишлаб чиқариладиган К-4 препарати (полиакрилонитрил гидролиз маҳсулоти), фаол бўёвчи моддалар, ферментлар, турли тўқимачилик ёрдамчи моддалар (ТЁМ), бифункционал моддалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети жадаллаштирилган бўяш технологияси, табиий толали матоларга формальдегидсиз якунловчи пардоз бериш ва бу жараёнларни бирлаштириш технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий, физик-механик ИҚ-спектроскопия, спектроколориметрия, оптик микроскопия, математик статистика, дифференциал термик ва рентгеноструктуравий таҳлил усуллари, ҳамда ишлов берилган матонинг сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг стандарт услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий толали (ипак, пахта) тўқимачилик матоларига формальдегидсиз маҳаллий хомашёлар асосида якунловчи пардоз бериш жараёнларининг технологик параметлари ишлаб чиқилган ва асосланган;

ипак матоларини фаол бўёвчи моддалар билан бўяш ва якунловчи пардоз бериш жараёнларининг бирлаштирилган, жадаллаштирилган технологиясида ювиш жараёнини қисқартириш, кимёвий моддалар ва сув сарфини камайтириш, оқова сувларни тозалашни енгиллаштириш имконияти илмий асосланган;

К-4 препарати асосида янги таркиб билан аппретлаш ва бўяш жараёнларини бирлаштириш орқали якуний пардоз бериш механизми ишлаб чиқилган;

бирлаштирилган бўяш ва якунловчи пардоз беришнинг жадаллаштирилган технологиясининг математик модели ишлаб чиқилган;

пахта толали матоларни бўяшда шимдириш эритмаси таркибига бентонит ва этиленхлоргидринни қўшиш, шунингдек табиий ипакни бўяшда бентонитни қўллаш орқали жадаллаштириш имконияти асосланган;

пахта матоларини фаол бўёвчи моддалар билан бўяш ва К-4 препарати асосида якунловчи пардоз беришнинг бирлаштирилган технологияси илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий К-4 препарати асосидаги формальдегидсиз аппрет билан ипак ва пахта толали матоларга якуний пардоз беришнинг экологик тоза технологияси ишлаб чиқилган;

пахта ва ипак толали матоларни бирлаштирилган бўяш ва якунловчи пардоз бериш технологиясида жараёнлардаги қуритиш ва ювиш босқичларини камайиши ҳисобига иқтисодий, экологик самародорликка эга ва оқова сувларни тозалаш жараёнини енгиллаштирувчи технология яратилди;

турли кимёвий ва биологик моддалар билан толаларни модификациялашда бўяш эритмаси орқали шимдиришнинг жадаллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш натижасида бўёвчи модданинг сарфи ва оқова

сувларни миқдорини камайтириш, ювиш жараёнини қисқартириш, сув ва электр энергия сарфини иқтисод қилишга эришилди;

бирлаштирилган бўяш ва яқунловчи пардоз бериш жараёни оптималлаштирилди, олинган оптимал параметрлар асосида мато физик-механик кўрсаткичларига таъсир этмаган ҳолда, унинг камғижимланувчанлик хоссасини оширишга имконият яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини мослиги билан, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг юқори даражада мувофиқлиги, тадқиқот натижалари 5 % дан ортмаганлиги, матоларнинг сифат кўрсаткичлари стандарт усуллари билан аниқлангани, олинган ижобий тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар асосида яқунловчи пардоз бериш жараёнини механизми ишлаб чиқилди; К-4 препарати асосидаги янги аппрет билан яқунловчи пардоз бериш ва матоларни бўяш жараёнларини бирлаштиришнинг моҳияти асосланди; бўёвчи моддадан унумли фойдаланиш имконини берувчи, экологик ва иқтисодий самарадорликка эга бирлаштирилган бўяш ва яқунловчи пардозлаш технологиясини яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, таклиф этилган бирлаштирилган бўяш ва яқунловчи пардоз бериш технологиясида чет элдан келтириладиган кимёвий моддалар ўрнига маҳаллий маҳсулотлар асосидаги бўяш – аппретловчи таркибларни қўллаш натижасида ипак ва целлюлоза толали матолар сифат кўрсаткичларининг ортишига, бўёвчи ва кимёвий моддаларнинг, сув, буғ, электр энергия сарфларини камайишига, жиҳозлардан самарали фойдаланишга ва валюта захираларини иқтисод қилишга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табiiй толали матоларига бўяш ва яқунловчи пардоз беришнинг бирлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш натижалари асосида:

пахта толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан термофиксацион усулда бўяш таркиби “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги “Urgench Bahmal” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/18-623-сон маълумотномаси). Натижада бўяш эритмаси таркибига бентонитни киритиш орқали ранг интенсивлиги 44 % га ошган;

бирлаштирилган бўяш ва яқунловчи пардоз бериш технологияси “Urgench Bahmal” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/18-623-сон маълумотномаси). 5 g/l миқдорида бентонитни киритиш натижасида бўялган матонинг ранг интенсивлиги 36 % ни ташкил этади, киришувчанлиги эса 2 марта камайган;

пахта толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан ярим узлукли усулда бўяш таркиби “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги “Urgench Bahmal” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат”

уюшмасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/18-623-сон маълумотномаси). Бўяш эритмасидаги бўёвчи моддани миқдори 25 % гача камайган;

пахта толали матоларни интенсификатор бентонит тутувчи фаол бўёвчи моддалар билан бўяш таркиби “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги “Cotton Road” кўшма корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/18-623-сон маълумотномаси). Бўяш эритмасидаги бўёвчи модда миқдорини 2 % га камайтириш ва юқори ранг интенсивлигига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 7 та мақола республикада ва 1 та чет элда чоп этилган, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Табиий толали матоларга яқунловчи пардоз беришнинг замонавий ҳолати ва уни бўяш билан бирлаштириш”** номли биринчи бобида охириги 15-20 йил давомида чоп этилган адабий манбаалар таҳлили келтирилган. Ипак ва пахта толали матоларга яқунловчи пардоз бериш жараёнлари, шунингдек турли синф бўёвчи моддалар ёрдамида бўяш технологиялари билан бирлаштириш имкониятлари келтирилган. Табиий толали матоларга камкиришувчанлик ва камғижимланувчанлик хосса беришда экологик тоза, формальдегидсиз аппретларни қўллаш имкониятлари кўрсатилган.

Таклиф этилган формальдегидсиз препаратлар ичида арзон ва мақбул бўлган, ди- ва поликарбон кислоталар целлюлоза тутувчи ва оксил толали тўқимачилик материалларига қўллаш натижасида қатор муаммоларни ечишга имкон яратади. Шунингдек, икки пардоз бериш жараёнларини бирлаштириш, бўяш технологиясидаги ювиш ва қуриштириш жараёнини қисқартириш натижасида бўёвчи модда ва сув сарфини камайишига олиб келади.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** олиб борилган тажрибаларнинг услублари ва тадқиқот объектлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Маҳаллий препаратлар асосида табиий толали матоларга яқунловчи пардоз бериш технологиясини яратиш” номли учинчи бўлимда, республикада ишлаб чиқариладиган полиакрилонитрил гидролиз маҳсулотлари бўлган олигомер поликислоталар К-4 ва К-9 препаратлари (“Навоийазот” АЖ) танлаб олинди. Солиштирувчи таркибларга кам формальдегидли ацетонформальдегид смоласи (АЦФ-смола), ҳамда ип-газлама матоларига камкиришувчанлик ва камғижимланувчанлик хосса беришнинг анъанавий қўлланиладиган формальдегид сакловчи карбамол ЦЭМ (1-жадвал) танлаб олинди. Бу таркиблар билан ипак матоларига қуйидаги анъанавий ип-газламага яқунловчи пардоз бериш технологиясида ишлов берилди: аппрет билан шимдириш → сиқиш ((90±1) %) → қуритиш (Т=105 °С, τ=5 min.) → термик ишлов бериш → (Т=140 °С, τ=5 min.).

1-жадвал

Аппрет таркиблари, g/l

Кимёвий моддалар	В-1	В-2	В-3	В-4	В-5	В-6
К-4 препарати	20	50	-	-	-	-
К-9 препарати	-	-	20	50	-	-
АЦФ-смола	-	-	-	-	60	-
Карбамол ЦЭМ	-	-	-	-	-	100
ПВА	25	25	25	25	-	25
NaH ₂ PO ₂	10	10	10	10	-	-
ПВС	-	-	-	-	30	-
NH ₄ Cl	-	-	-	-	-	20
Мочевина	-	-	-	-	-	8
pH = 10 гача	NaOH	NaOH	NaOH	NaOH	NaOH	NaOH

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, (2 ва 3 жадваллар) К-4 ва К-9 препаратлари асосида аппретланган матолар камкиришувчанликка эгаллиги, умумий очилиш бурчаги (УОБ) ~15,8-48,6° га ортганини, матонинг оғирлиги 9,8-10 % ни ва аппретнинг ювилувчанлиги 0,16 % дан 0,44 % ни ташкил этади. Бу эса формальдегид сакловчи моддалар билан ишлов берилган намуналарга нисбатан формальдегидсиз препаратларнинг табиати ва концентрациясига, ҳамда матонинг сифат кўрсаткичларига таъсири сезиларли даражада фарқ қилади. Олинган натижаларни таҳлил қилган ҳолда кейинги изланишлар К-4 препаратининг 50 g/l концентрациясида олиб борилди.

Аппрет таркибининг крепдешин матосининг сифат кўрсаткичларига таъсири

Аппретловчи модданинг тури	Мато оғирлиги, %	УОБ, °	Аппретнинг ювилувчанлиги, %	Мато қаттиқлиги, $\text{mg} \cdot \text{sm}^2$	Мато капиллярлиги, mm/h	Мато ҳаво ўтказувчанлиги, $\text{sm}^3/\text{s} \cdot \text{sm}^2$
Дастлабки мато	-	223,0	-	1,05	40	110,0
К-4 (20)	9,8	266,0	0,71	1,04	100	149,3
К-4 (50)	10,5	271,6	0,68	0,98	77	139,8
К-9 (20)	14,5	240,0	0,16	0,98	57	147,9
К-9 (50)	15,0	238,8	0,44	0,93	64	146,1
АЦФ-смола	9,1	220,0	0,44	0,98	94	135,2
Карбамол ЦЭМ	10,5	228,1	1,05	1,03	54	124,0

Крепдешин матосини мустаҳкамлик кўрсаткичларига аппрет таркибининг таъсири

Аппретловчи модда тури	Киришувчанлик %		Узилишдаги мустаҳкамлик, N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
	танда	арқоқ	танда	арқоқ	танда	арқоқ
Дастлабки мато	8,7	11,2	387	208	13	27
К-4 (20)	3,5	4,0	425	246	18	27
К-4 (50)	2,0	2,0	426	278	26	31
К-9 (20)	2,0	3,0	505	285	21	27
К-9 (50)	2,5	2,8	471	268	19	29
АЦФ-смола	2,0	2,0	421	228	21	36
Карбамол ЦЭМ	3,4	4,5	384	278	22	31

Кейинги изланишларда катализатор табиати, рН-муҳит, ва К-4 препаратининг концентрациясининг мато сифатига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар асосида NaH_2PO_2 катализаторининг 10 г/л миқдори танлаб олинди.

К-4 препарати асосидаги таркиб билан аппретланган ипак матосининг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши, аппретнинг ювилувчанлиги пастлиги, тола ғовақларини ва юзасини плёнка ҳосил қилиши, ипак фиброини билан К-4 препаратининг карбоксилат гуруҳлари орасида битта оксил макромолекуласи ёки малекулалараро ўзаро кимёвий таъсирлашишига имкон беради. Бунга эса аппрет таркибида катализаторнинг мавжудлиги, юқори ҳарорат ва ишқорий муҳит имконият яратади. К-4 препарати ва ипак фиброини орасидаги реакция мураккаб эфир ва амид боғлар ҳосил қилиши билан боради, деб тахмин қилинди. Бу тахминлар инфрақизил спектроскопия (ИҚС), дифференциал термик таҳлил (ДТТ), термогравиметрик таҳлил (ТГТ) ва дифференциал-термогравиметрик (ДТГТ) таҳлиллари орқали ўрганилди.

ИҚ-спектрал эгри чизикларида $1734,26 \text{ cm}^{-1}$ даги чўққи $-\text{O}-\text{C}=\text{O}$ мураккаб эфир боғларга мос келиши ипак фиброини ва препарат орасида мураккаб боғ ҳосил бўлганини исботлайди.

Юқоридаги фикрларни тўлиқ асослаш мақсадида ипакка кимёвий ишлов бериш натижасида, унинг структурасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун ОД-102 дериватографида ДТТ, ТГ ва ДТГ таҳлил усулларида эгри чизиқлари олинди. ДТТ, ТГ ва ДТГ таҳлил натижаларидан аппретланган матонинг структурасида маълум ўзгаришлар рўй берганлигини кўриш мумкин. Аппретланган намуналарнинг парчаланиш тезлигини сусайиши, бу матонинг юқори термостабилликка эришганлигини кўрсатади. Олинган эгри чизиқларда ишлов берилмаган намуналарнинг максимал парчаланиш тезлиги 280-320 °С ҳарорат оралиғида, ишлов берилган намуналарнинг максимал парчаланиш тезлиги эса 500-540 °С ҳарорат оралиғида кузатилди. Бу эса ипак ва К-4 препарати орасида боғланиш содир бўлганлигининг билвосита тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Пахта толали матоларни аппретлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида турли энзим ва бифункциональ моддаларнинг табиати ўрганилди. Матоларнинг умумий очилиш бурчаги (УОБ) энзим тутмаган таркибда ишлов берилган матога нисбатан 30° ва 35° га ошганлигини кўриш мумкин. Амалиётда ип-газлама матоларга камкиришувчанлик ва камғижимланувчанлик хосса бериш бирхил шароитда олиб борилади, лекин камғижимланувчанлик хосса беришда целлюлозанинг ангидридглюкозид гуруҳларида 3-4 кўндаланг боғ, камкиришувчанлик хосса беришда 0,5 кўндаланг боғларнинг ҳосил бўлиши етарли ҳисобланади. Шунинг учун формальдегид сақловчи препаратлар билан камкиришувчан хосса берилган матоларнинг механик мустаҳкамлиги 20 % гача, камғижимланувчанлик хосса эга матоларники эса 20-40 % гача тушуши мумкин.

Юқорида келтирилгандек, К-4 препарати целлюлоза макромолекуласининг занжири билан мураккаб эфир ҳосил қилганлиги учун аппрет таркибига тикувчи агент сифатида малеин ангидридини киритишга қарор қилинди, катализатор сифатида эса фосфор кислотаси тузлари: моно-, ди- ва учнатрийли тузлари 10 g/l миқдорида олинди (4-жадвал).


4-жадвал

Ишлов берилган мато сифатида катализаторларнинг таъсири

Намуналар	Мато оғирлиги %	УОБ, %	Капиллярлиги, mm/h	Ҳаво ўтказувчанлиги $\text{sm}^3/\text{s} \cdot \text{sm}^2$	Мато киришувчанлиги %		Мато мустаҳкамлиги, N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
					танда	арқок	танда	арқок	танда	арқок
Дастлабки мато	-	75,0	85,0	58,3	6,8	2,13	224,0	190,0	21,0	25,0
Na_3PO_4	7.1	87,6	71,0	39.3	4,0	4,0	232	200	12,0	18,0
NaHPO_4	7.2	90,5	69,0	39.3	3,0	3,0	248	208	14,0	19,0
NaH_2PO_4	7.3	94,1	67,0	42.5	2,0	2,0	264	214	15,0	20,0

4-жадвал натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики фосфор кислотаси тузлари ичида натрий дигидрофосфат бошқа тузларга нисбатан матонинг сифат кўрсаткичлариги яхши таъсир кўрсатиши, натрий дигидрофосфит билан бирқаторда қўллаш мумкинлиги аниқланди. К-4 препарати асосидаги аппрет билан ишлов бериш натижасида ип-газлама матонинг киришувчанлиги 3-4 мартага камайиши, УОБ эса 7,5° га ошганлигин кўриш мумкин. Аппрет таркибига малеин ангидридини киритиши кўнгдаланг “тикилиш” имконини беради, шу билан киришувчанлик ва ғижимланувчанлик хоссаларига таъсир этади.

К-4 препарати ва малеин ангидридининг пахта целлюлозаси билан таъсир механизмини аниқлаш мақсадида ИК-спектрал таҳлил ўтказилди (1-расм). Дастлабки, К-4 препарати ва малеин таркибли аппретлар билан ишлов берилган матоларнинг эгри чизиқлари гидроксил гуруҳларнинг ютилиш чўққилари, водород боғлар билан боғланганлиги ($3426,5$ и 2900 см^{-1}), Н-боғлар билан боғланмаган (3855 см^{-1}) қисми, $-\text{C}\equiv\text{N}$ нитрил гуруҳларган жавоб берадиган ютилишлар (2200 см^{-1}) ва мураккаб эфир боғлар учун (1734 см^{-1}) ютилишлар К-4 препаратининг карбоксилат гуруҳлари ва пахта целлюлозасининг гидроксил гуруҳлари билан боғ ҳосил қилиш мумкинлиги исботланди. Барча аппретланган матоларда 1431 см^{-1} ютилиш чизиқларининг интенсивлигининг пасайиши пахта целлюлозасининг кристаллигини камайишини кўрсатади.



1-расм. Аппретланган матоларнинг ИК-спектрал таҳлиллари.

Диссертациянинг “**Пахта ва ипак толали матоларнинг кимёвий пардозлаш жараёнларини бирлаштириш технологияларини такомиллаштириш**” номли бобида бўяш ва яқунловчи пардоз бериш жараёнларини бирлаштириш имкониятларини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, унда илк марта К-4 препарати асосидаги янги аппрет билан яқунловчи пардоз бериш жараёнида ипак матоларини фаол бўёвчи моддалар билан узлуксиз бўяш имкониятларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда, икки технология: бўяш ва камкиришувчанлик хосса бериш жараёнлари бирлаштирилди.

Бирлаштирилган бўяш ва яқунловчи пардоз беришда шимдириш, куритиш ва термоишлов беришда толага бўёвчи модданинг сорбланиши, аппретнинг тола юзасига шимилиши, бўёвчи моддани фаол ҳолатга ўтиши, унинг тола билан реакцияга кириши, К-4 препаратининг тола билан реакцияга киришиши каби жараёнлар содир бўлиши мумкин. Дастлабки изланишларни олиб бориш учун қуйида келтирилган технология танлаб олинди: шимдириш, g/l: бўёвчи модда-5, NaCl-10, T=60 °C, t = 30 s → сиқиш (90±1) % → аппрет билан шимдириш, g/l: К-4-50, NaH₂PO₂-10, ПВА-25, NaOH pH=10гача, T=60 °C, τ = 30 s → сиқиш (90±1) % → куритиш T=105 °C, τ = 5 min. → термоишлов T = 140 °C, τ = 10 min.

К-4 (таркиб В2) препарати асосидаги янги таркиб билан бир қаторда АЦФ-смола (таркиб В5) ва карбамол ЦЭМ (таркиб В6) препаратлари асосидаги таркиблар билан ҳам таққослаш учун изланишлар олиб борилди. Бўялган ва аппретланган матоларнинг сифат кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Бўялган ва аппретланган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари

Мато, асосидаги таркиб билан аппретланган	Мато оғирлиги, %	УОБ, °	Аппретнинг ювилувчанлиги, %	Мато қаттиқлиги, mg·cm ²	Мато капиллярлиги, mm/h	Ранг сифат кўрсаткичлари
Бўялган мато	10,5	224,0	-	1,05	60,0	5/4/5
К-4 (50)	10,5	243,8	0,71	0,99	64,0	5/5/5
Карбамол ЦЭМ	10,5	222,2	1,00	1,00	70,0	3/3/3
АЦФ-смола	10,1	224,2	0,78	0,98	96,0	3/3/3

6-жадвал

Бўялган ва аппретланган намуналарнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари

Мато, асосидаги таркиб билан аппретланган	Мато киришувчанлиги, %		Мато мустаҳкамлиги, N		Узилишдаги чўзилувчанлиги, %	
	танда	арқоқ	танда	арқоқ	танда	арқоқ
Бўялган мато	6,5	7,0	315,0	207,0	23,0	41,0
К-4 (50)	2,0	2,0	359,0	244,0	23,0	27,0
Карбамол ЦЭМ	2,0	2,0	220,0	285,0	22,0	32,0
АЦФ-смола	2,0	2,0	424,0	262,0	30,0	34,0

Бўяш технологиясида термик ишлов беришдан кейин боғланмаган бўёвчи моддани ювиш жараёнининг қисқариши матонинг ранг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Бу эса бўёвчи модданинг боғланмаган қисми К-4 препарати асосидаги таркибдаги поливинилацетатнинг (ПВА) ҳосил қилган плёнкаси остида қолган бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Изланишлар давомида бўёвчи модда ва электролит концентрацияси, шимдириш ҳароратининг ранг интенсивлигига таъсири ўрганилди. Бўёвчи модда концентрацияси 1 дан 3 g/l га ошиши билан мато ранг интенсивлиги (K/S) ошганини, кейинги концентрацияларнинг ошишида бу кўрсаткич деярли ўзгармагани кузатиш мумкин. Шунинг учун узлуксиз бирлаштирилган фаол бўёвчи моддалар билан бўяш ва яқунловчи пардоз бериш технологияси учун бўёвчи модда концентрацияси 2,5-3 g/l деб тавсия этилди. Электролит (NaCl) концентрациясини эса 30 g/l деб тавсия этиш мумкин, чунки электролит концентрациясининг оширилиш матонинг ранг интенсивлигини пасайтиради ва бўёвчи модданинг агрегацияланишига олиб келади. Бирлаштирилган технологиядаги бўяш ва аппретлашдаги термоишлов бериш жараёнида бўёвчи модданинг тола ичига диффузияси, тола билан аппрет ва бўёвчи модда молекуласининг таъсирлашиши, шунингдек поливинилацетат ва К-4 препаратларининг плёнка ҳосил қилиши кузатилади. Шунинг учун бирлаштирилган технологияда бўяш жараёнини эффективлигини ошириш мақсадида тола қурилмасига турли ТЕМ билан таъсир этиш, бифункционал бирикмалар билан бўёвчи моддани қўшимча ковалент боғлаш, чет элдан келтириладиган кимёвий моддалардан унумли фойдаланиш долзарб муаммоладан бири ҳисобланади.

Дастлабки изланишлар ип-газлама матоларни бўяш ва камкиришувчанлик хосса беришнинг бирлаштирилган технологиясида мочевиначининг роли ўрганилди. Тажриба изланишларида бентонит ва бентонитсиз таркиблар билан олиб борилди. Бентонит бўяш эритмаси мочевина эса аппрет таркибига киритилди (7 ва 8 жадваллар).

7-жадвал

Интенсификаторнинг бўялган матонинг колористик кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткичлар	Интенсификаторлар ва уларнинг эритмадаги концентрациялари, g/l		
	Бўёвчи модда интенсификаторсиз	Бўёвчи модда + Бентонит-5	Бўёвчи модда + Бентонит-5 + Мочевина-150
Бўёвчи модданинг фиксацияси, g/kg	34,0	37,0	28,0
Бўёвчи моддадан фойдаланганлик даражаси, %	68,0	74,0	56,0
Ранг интенсивлиги, K/S	5,0	6.8	6.5
Ранг интенсифлигининг ошиши K/S, %	-	36,0	30,0
Ранг мустаҳкамлиги, балларда			
Совунга	4/4/5	5/5/5	3/4/4
Тер эритмасига	4/4/5	5/5/5	3/4/4

Изоҳ: бентонит Навбахор тумани

Ишлов берилган пахта толали матонинг сифат кўрсаткичларига
интенсификаторнинг таъсири

Интенсифи- каторлар,г/л	Мато оғир- лиги %	Аппрет ювилув чан- лига, %	Мато киришувчанли ги, %		УОБ, °	Мато мустаҳкамли- ги, N		Узилишдаги чўзилувчанли- ги, %	
			танда	арқоқ		танда	арқоқ	танда	арқоқ
-	9,0	2,5	2,0	3,0	141,0	320,0	187,2	8,3	19,4
Бентонит, 5	9,5	1,7	0	1,0	145,0	325,0	196,8	9,6	14,5
Бентонит, 5 Мочевина- 150	10,0	5,0	1,0	3,0	142,0	317,0	134,0	8,8	15,0

7 ва 8 жадвалларда кўрсатилган натижалардан кўриш мумкинки, бирлаштирилган бўяш ва камкиришувчанлик хосса бериш технологиясида аппрет таркибидаги мочевина фаол бўёвчи модданинг толага боғланишига салбий таъсир кўрсатмай қолмай, матонинг умумий очилиш бурчаги ва мустаҳкамлик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келди. Боғланган бўёвчи модданинг миқдори мочевина тутмаган таркиб билан ишлов берилган матоникига нисбатан 18 % га камайган. Бентонитни бўяш таркибига киритилиши натижасида ранг интенсивлигининг K/S 36 % га, фойдаланиш даражаси ва ранг мустаҳкамлигини ошишига олиб келди (6-жадвал). Турли бўяш-аппретлашнинг шимдириш ваннаси билан ишлов берилган матонинг сифат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: мато оғирлиги деярли бир хил, аппрет ювилувчанлиги бентонитли таркиб билан ишлов матода, бошқа таркибларниқига нисбатан 2,9 марта пастлигини кўриш мумкин. Барча таркиблар билан ишлов берилган матолар камкиришувчанликка эга, яъни киришувчанлик хоссаси 3-8 марта камайган. Физик-механик кўрсаткичлари деярли бир хил, бентонит ва мочевина таркибли ишлов берилган матода эса арқоқ бўйича мустаҳкамлиги ~ 40 % пасайганини кўриш мумкин.

Бўяш шимдириш ваннаси таркибига киргизиладиган интенсификаторни таъсирини ўрганиш мақсадида ип-газлама матосини бирлаштирилган технологияда бўяш эритмасидаги бўёвчи моддасиз таркиб билан ишлов берилди. 9-жадвалда келтирилган натижалардан кўриш мумкинки, бентонитлар матонинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмайди, мато киришмайдиган бўлиши, киришувчанлик 3-8 мартага камайгани, матонинг умумий очилиш бурчаги дастлабки матога нисбатан 42-59° га ошганлигини, матоларнинг ҳаво ўтказувчанлиги Навбахор бентонитига нисбатан ўзгармаганини кўриш мумкин. Барча намуналарнинг капиллярлиги интенсификаторсиз таркиб билан ишлов берилган ва оқ матога нисбатан юқорилиги аниқланди.

Бирлаштирилган технологияда фаол бўёвчи модда тутган таркиб билан ишлов берилган матоларнинг УОБ ошишига, мато капиллярлиги, мустаҳкамлигига (10-жадвал) таъсир этиши, актив бўёвчи модданинг иккита фаол хлор атоми целлюлоза макромалекуласини кўнгдаланг тикишда қатнашиши мумкинлиги тушунтиради. Этиленгликоль ва глицирин бифункционал моддалар эса матонинг мустаҳкамлигини 14-16 % камайтирган.

Бирлаштирилган технология шароитида пахта толали матоларнинг сифат кўрсаткичларига интенсификаторларнинг табиатининг таъсири

Интенсификаторлар	Интенсификатор микдори, g/l	УОБ, °	Мато оғирлиги, %	Аппрет ювилувчанлиги %	Киришувчанлик, %		Мато капиллярлиги, mm/h	Ҳаво ўтказувчанлик $\text{sm}^2/\text{s} \cdot \text{sm}^3$	Узилишдаги мустаҳкамлик, N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
					танда	арқоқ			танда	арқоқ	танда	арқоқ
Дастлабки оқ мато	-	90,0	-	-	8,0	9,0	71,0	109,8	299,3	182,0	7,9	21,9
Интенсификаторларсиз ишлов берилган мато	-	135,0	7,0	-	2,0	2,0	120,0	135,0	285,6	204,4	10,9	3,5
Бентонитлар												
Лаган	5,0	138,0	10,2	3,0	1,0	2,0	85,0	162,2	385,7	180,0	8,5	4,8
Азкамар	5,0	135,0	10,9	3,0	1,0	2,0	102,0	112,4	273,5	194,2	9,5	3,6
Каттақўрғон	5,0	133,0	13,5	5,0	2,0	3,0	95,0	104,7	328,9	193,0	4,5	6,3
Навбахор	5,0	140,0	10,5	2,0	0	1,0	127,0	96,5	376,4	193,2	4,7	6,3
Бифункционал моддадар												
Глицерин	5,0	130,0	9,5	4,0	2,0	3,0	115,0	162,2	251,0	190,8	8,2	3,6
Этиленгликоль	5,0	130,0	10,0	7,0	1,0	3,0	115,0	112,2	261,2	191,8	8,1	3,5

Изоҳ: бўёвчи моддасиз

Бирлаштирилган технология шароитида пахта толали матоларнинг сифат кўрсаткичларига интенсификаторларнинг табиатининг таъсири

Матого ишлов бериш шароити	Концентрация		УОБ, °	Мато киришувчанлиги, %		Мато капиллярлиги, mm/h	Ҳаво ўтказувчанлик, $\text{cm}^2/\text{s} \cdot \text{cm}^3$	Мато мустаҳкамлиги, N		Узилишдаги чўзилувчанлиги, %	
	Бўёвчи модда, % массага нисбатан	ТЁМ, g/l		танда	арқоқ			танда	арқоқ	танда	арқоқ
Дастлабки оқ мато	-	-	90,0	8,0	9,0	71,0	109,8	299,3	182,0	7,9	21,9
Интенсификаторларсиз ишлов берилган мато	5,0	-	147,0	1,0	2,0	120,0	122,2	285,6	183,1	6,5	12,2
Бентонитлар билан бўялган мато											
Навбахор	5,0	5,0	145,0	0	3,0	112,0	108,5	397,8	196,8	9,6	14,6
Азкамар	5,0	5,0	147,0	0	1,0	110,0	112,4	436,7	229,6	8,6	14,3
Лаган	5,0	5,0	142,0	2,0	1,0	115,0	112,4	306,7	184,5	6,3	11,8
Каттақўрғон	5,0	5,0	138,0	2,0	2,0	95,0	105,5	302,8	182,0	6,3	11,0
Бифункционал моддадар											
Этиленгликоль	5,0	5,0	130,0	1,0	3,0	115,0	112,2	261,2	191,8	9,5	3,6
Глицерин	5,0	5,0	130,0	2,0	3,0	80,0	162,2	251,1	190,8	8,2	3,6

изоҳ: ReaktiveOrange 122, дихлортриазин фаол бўёвчи модда.

Кейинги изланишларда пахта толали матоларни бўяш ва камкиришувчанлик пардоз беришнинг бирлаштирилган технологиясини жадаллаштиришда лимон кислотасининг $(\text{HOOC-CH}_2)_2\text{-C-(OH)-COOH}$ таъсири ўрганилди. 11-жадвалдан кўриш мумкинки, аппрет таркибига лимон кислотасининг 25 g/l миқдорида киритиш натижасида бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси 88 % ни ташкил этди. К-4 препарати асосидаги бошқа таркиблар билан ишлов берилган намуналарда бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси 20 % ни ташкил этади. Мато киришмайдиган бўлади, мато оғирлиги 7,0 % дан 10,7 % га, УОБ 55-59° га дастлабки матога нисбатан ошганлиги, лекин матонинг механик мустаҳкамликнинг пасайишини кўриш мумкин.

К-4 препаратининг олигамеридан (n=10÷11) фарқли малеин ангидриди пастмолекуляр бўлиб, пахта целлюлозаси билан малеин кислотасига нисбатан фаол реакцияга киришади. Бу эса пахта молекулалари билан кўнгдаланг кўприкларни ҳосил қилиши натижасида мато нафақат камкиришувчанлик балки камғижимланувчанлик хоссага эга бўлиб қолади. Малеин ангидридини коцентрациясини таъсирин ўрганишда (12-жадвал) ишлов берилган матоларнинг киришмаслик хоссага эга бўлиши, мустаҳкамлик, узилишдаги чўзилувчанлиги ва мато капиллярлигини ошган. Бу таркибни пахта толали кийимбоб матоларга тавсия этиш мумкин.

Кейинги изланишлар давомида Азкамар, Лаган туманидан келтирилган бентонитларнинг ипак матосига таъсирини бирлаштирилган бўяш ва камкиришувчанлик хосса бериш технологиясида ўрганилди. Ўзбекистоннинг Азкамар ва Лаган туманларидан келтирилган бентонитларни бўяш эритмаси таркибига киритилганда Reaktive orange 122 бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси 10 % га ошганлиги, ранг интенсифлиги ва сувли ишловларга мустаҳкамлиги барча ўрганилган бентонитларда дастлабки режим билан ишлов берилган ипак матосиникига нисбатан яхшиланганлиги (13-жадвал) кўриш мумкин, лекин Лаган бентонити матонинг физик-механик (14-жадвал) кўрсаткичини 26 % га, Азкамар бентонити 12 % ва Навбахор бентонити 6,0 % га пасайгани кузатилган. Олинган натижалар асосида ипак матоларини пардозлашда Навбахор ва Азкамар бентонитларини тавсия этса бўлади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ипак матоларини бўяш асосан узлукли усулда олиб борилади, бу усул ҳар томонлама ўрганилган. Адабиётларда ипак матоларини бўяш ва бирлаштирилган узлуксиз технологиялар ҳақида кам ишланмалар берилган. Бир вақтнинг ўзида матоларни бўяш жараёнини жадаллаштириш, бўёвчи моддадан фойдаланиш даражасини ошириш, оқова сувларни миқдорини қисқартириш имкониятларини қидириш жуда долзарб ҳисобланади. Таклиф этилаётган икки ваннали бирлаштирилган бўяш ва якунловчи пардоз бериш технологиясида ювиш жараёнининг қисқартилган.

Толадаги боғланган бўёвчи модда миқдори юқори бўлса, ранг сифати ҳам юқори бўлади. Бу вазифани ечиш учун бўяш эритмаси таркибига интенсификаторларни қўшиш орқали, толанинг структурасига таъсир этиш орқали тола ва бўёвчи модданинг фаоллигини оширишга қаратилган.

11-жадвал

Лимон кислотасининг концентрациясини пахта толали мато сифат кўрсаткичларига таъсири

Лимон кислотаконцентрацияси, g/l	Мато киришувчанлиги %		УОБ,°	Мато оғирлиги, %	Аппрет ювилувчанлиги, %	Капиллярлиги, mm/h	Ҳаво ўтказувчанлиги, $\text{sm}^2/\text{s}\cdot\text{sm}^3$	Узилишдаги мустаҳкамлик N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
	танда	арқоқ						танда	арқоқ	танда	арқоқ
-	3,0	4,0	143,0	-	2,0	100,0	116,2	299,3	182,0	8,0	10,0
5	1,0	2,0	143,0	10,0	2,8	104,0	126,7	285,5	188,0	5,3	12,0
10	1,0	1,0	145,0	10,5	2,4	110,0	119,6	231,4	231,0	5,5	13,7
25	0	1,0	147,0	10,7	2,0	115,0	108,5	229,7	158	5,2	13,0
50	1,0	2,0	145,0	10,7	2,4	112,0	122,9	222,0	143,5	4,8	13,3
75	1,2	2,0	145,0	10,2	2,6	108,0	162,2	198,6	186,8	4,0	12,1

Изоҳ: Бирлаштирилган бўйаш ва яқунловчи пардоз бериш технологияси;

12-жадвал

Малеин ангидрид концентрациясини пахта толали матонинг сифат кўрсаткичларига таъсири

Малеин ангидрид концентрацияси, g/l	Мато киришувчанлиги %		УОБ,°	Мато оғирлиги, %	Аппрет ювилувчанлиги, %	Капиллярлиги, mm/h	Ҳаво ўтказувчанлиги, $\text{sm}^2/\text{s}\cdot\text{sm}^3$	Узилишдаги мустаҳкамлик, N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
	танда	арқоқ						танда	арқоқ	танда	арқоқ
-	6,8	2,13	74,9	-	-	86,0	58,3	237,7	184,5	7,2	17,0
10	2,0	2,0	148,0	4,2	3,0	140,0	100,8	291,0	215,0	9,0	17,0
15	2,0	2,0	154,3	3,9	2,1	155,0	92,1	360,0	174,0	9,0	17,0
20	3,0	2,0	150,1	5,2	3,0	120,0	104,7	289,0	214,0	8,0	17,0

Изоҳ: Бирлаштирилган бўйаш ва яқунловчи пардоз бериш технологияси;

Бирлаштирилган технология шароитида ипак матоларнинг колористик кўрсаткичларига интенсификаторларнинг табиатининг таъсири

Бентонитлар	Концентрация		Бўвчи модданинг боғланган миқдори, g/kg	Бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси, %	K/S	Ранг мустаҳкамлиги, балларда	
	Бўёвчи моддамассага нисбатан, %	Бентонит, g/l				Совунга	Тер эритмаси
Азкамар	5,0	5,0	39,0	78,0	6,5	5/5/5	4,5/5/5
Лаган	5,0	5,0	39,0	78,0	6,0	5/5/5	4/5/5
Навбахор	5,0	5,0	37,0	74,0	6,8	5/5/5	4,5/5/5
ТЁМ ларсиз бўялган	5,0	-	34,0	68,0	5,5	4/5/4	4/5/4

Изоҳ: К-4 препарати асосидаги аппрет

Бирлаштирилган технология шароитида ипак матоларнинг сифат кўрсаткичларига интенсификаторларнинг табиатининг таъсири

Бентонитлар номи	Киришувчанлик, %		Мато оғирлиги, %	Аппрет ювилувчанлиги, %	Мато капиллярлиги mm/h	Ҳаво ўтказувчанлик, $\text{sm}^2/\text{s} \cdot \text{sm}^3$	Узилишдаги мустаҳкамлик, N		Узилишдаги чўзилувчанлик, %	
	танда	арқоқ					танда	арқоқ	танда	арқоқ
Азкамар	0	1,0	10,8	7,0	110	168,6	324,5	254,5	21,5	19,2
Лаган	0	1,0	10,2	7,5	114	181,5	269,8	202,5	19,6	17,9
Навбахор	0	0	10,6	9,0	120	181,5	344,0	346,5	18,1	20,0
ТЁМ ларсиз бўялган	2,0	2,0	9,5	7,0	100	182,3	314,8	325,2	19,1	22,3

Изоҳ: бентонитлар концентрацияси 5 g/l.

Интенсификаторлар сифатида капролактама, бентонит, энзимлар, шунингдек бифункционал моддалардан этиленхлоргидрин, этиленгликоль ва глицеринларни қўллаш орқали сорбланган, гидролизланган бўёвчи моддани қўшимча ковалент боғлашга эришилди.


Изланишларда Reaktive red-S-max (дихлортриазин) и Остазин сариқ H5G (монохлортриазин) бўёвчи моддалардан фойдаланилди.

Бўёвчи модда, ишқорий агент, электролит, концентрацияси ва табиати, шимдириш ваннаси ҳарорати шунингдек, бошқа параметрларни аниқлаган ҳолда, тажриба ишлари фаол бўёвчи моддалар билан термофиксацион усулда бўёш технологияси бўйича амалга оширилди: бўёвчи модда эритмаси билан шимдириш, бўёвчи модда – 3 % мато массага нисбатан, Na_2CO_3 – 10 g/l, NaCl – 25 g/l, ҳарорат - 90 °C → қуритиш 105 °C, 5 min. → термик ишлов бериш 160 °C, 5 min. → ювиш: совуқ ва иссиқ сув, САМ-2 g/l, иссиқ ва совуқ сув → қуритиш.

Бўёш таркибига капролактама ва Навбахор бентонити 4 g/l миқдорда киритилиши натижасида бўёвчи модданинг фойдаланиш даражасини 6-7 g/kg миқдоригача ошди ёки 69 % дан 90-94 % гача, ранг интенсивлиги 1,5-2,6 мартагача ошган.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган ТЕМлар, айниқса, этиленхлоргидрин, капролактама ва бентонитни 4 g/l миқдорда киритилиши бўёвчи модданинг фойдаланиш даражасини 95 % гача ошириш кузатилади. Қолган қисми эса К-4 препарати асосидаги аппретдаги поливинилацетат (ПВА) ҳосил қилган плёнка остида капсуляция бўлиб қолади. Олинган натижалар асосида пахта толали матоларни бўёш ваннасининг таркиби ва технологик параметрлари бўйича қуйидаги хулосалар келтирилди: бўёвчи модда концентрацияси керакли бўлган ранг интенсивлигига қараб 1-5 % массага нисбатан (ёки 1 дан 5 g/l ванна модули 1:10 бўлганда), Na_2CO_3 – 10 g/l; NaCl - 25 g/l; шимдириш давомийлиги 0,5-1 min., шимдириш ҳарорати 70-90 °C, сиқиш даражаси 90 %.

Танлаб олинган шароитларда дастлаб турли бентонитларнинг табиати ва концентрациясининг бўёвчи модданинг толага боғланиш даражасига таъсири ўрганилди.



2-расм. Бентонитларнинг табиати ва концентрациясининг Reactive orange 122, (Хитой) бўёвчи модданинг боғланишига таъсири

Чиқувчи кўрсаткичларга бўёвчи модданинг пахта толали матога боғланганлик даражаси, ранг интенсивлиги ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари олинди. Олинган натижалар 2-расм ва 15- жадвалда келтирилган.

Олинган натижалардан (2-расм ва 15-жадвал) кўришиб турибдики, Навбахор ва Азкамар бентонитлари бўёвчи модданинг толага боғланишига ижобий жадаллаштирувчи таъсир кўрсатганини, 1 g/l ли концентрациядан бошлаб Азкамар бентонити Навбахор бентонитига қараганда концентрацияни ошири деярли таъсири эмаганини кўриш мумкин. Олинган натижалар асосида бентонит концентрациясини 2-3 g/l деб олиш мумкин, бу шароитда бўёвчи моддани фойдаланиш 28 % га етади. Шундай натижалар Лаган бентонитида ҳам кузатилган бўлиб, унинг 3 g/l концентрацияси деярли жадаллаштирувчи таъсир кўрсатмади. Тадқиқ қилинган бентонитлар орасида Навбахор бентонити яхши натижа кўрсатиб, бўйаш шимдириш ваннаси таркибига 5 g/l гача концентрацияни ошириш натижасида бўёвчи моддани фойдаланиш даражаси 36 % ташкил этди.

15-жадвал

Reactive orange 122 бўёвчи модда билан бўйланган ип-газлама матоларнинг ранг, сифат ва микдорий кўрсаткичларига бентонит табиатининг таъсири

Кўрсаткичлари	ТЁМ сиз	Бентонит концентрацияси, 5 g/l			
		Азкамар	Лаган	Каттакўрғон	Навбахор
Бўёвчи модда боғланиши, g/kg	20,0	34,0	34,0	23,0	37,0
